XALQ DEPUTATLARI QIZILTEPA TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 31 - dekabr VI-40-163-5-72-K/22 Qiziltepa tumani hokimligi

Қизилтепа туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 01/20-32/1023-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сонли Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Қизилтепа туманининг туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 64,9 млрд.сўм, харажатлари 235,0 млрд.сўмга тасдиқлансин.

3. 2023 йил учун туманни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози мўлжаллари **1-илова**га

мувофиқ, 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози **2-илова**га мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар:

2023 йил учун туманнинг туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари **3-илова**га мувофиқ;

2023 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари **4-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози **5-илова**га мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетига юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари **6-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 2 217 151 сўм миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджет тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

2023 йил учун туман бюджети шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори **7-**

иловага мувофиқ, жисмоний шахслар бўйича (дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар **8-илова**га мувофиқ, юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар 1 га учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар **9-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикасининг мазкур қонуни билан 2023 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслар ер солиғи;

хусусийлаштириш ва бошқа солиқ турларидан тўловлар;

в) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи туман бюджетига ажратма 30 фоиз миқдорида тақсимлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-409-сонли қарорига асосан 2023 йил молия йилидан бошлаб;

а) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилиши;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман бюджетининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 млрд. сўм маблағ режалаштириш белгиланганлиги;

г) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Ҳайитов), молия бўлими (Ж.Ҳожиев), Давлат солиқ инспекцияси (Д.Муродов) туман ҳокимлиги ва масъул ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетининг прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

11. Давлат солиқ инспекцияси (Д.Муродов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

Кадастр агентлиги Қизилтепа филиали (О.Тўхтаев) билан биргаликда туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан

солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

12. Туман давлат солиқ инспекцияси (Д.Муродов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Навоий минтақавий инспекцияси билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

13. Мажбурий ижро бюроси Қизилтепа бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси (Д.Муродов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклансин.

14. Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб қуватлаш бўлими (У.Рахмонов), туман ҳокимлиги жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Тошработ ўрта-чўл ирригация тизимлари хавза бошқармаси (А.Фаттоев) ва туман давлат солиқ инспекцияси (Д.Муродов) туман ҳокимлиги билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклансин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

16. Туман молия бўлими (Ж.Ҳожиев), Халқ таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишлари кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар чорак якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи хар чоракда эшитиб борилсин.

17. Халқ депутатлари туман Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли

фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга, натижалари бўйича тавсиялар беришга, мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

18. Туман ҳокимлиги:

Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

19. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Ҳайитов), халқ депутатлари тумани Кенгаши котибияти, тегишли маъсул ташкилотлар рахбарлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали

фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

20. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

21. Мазкур қарор “Янги Қизилтепа” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

22. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклансин.

23. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **У.Файзиев**

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
1-ilova

Туманнинг 2023 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз
1	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,3
2	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	105,6
3	Қурилиш ўсиш суръати, фоизда	106
4	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,4
5	Хизматлар ўсиш суръати фоизда	114

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
2-ilova

Қизилтепа тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

№	Даромад тури	Қизилтепа тумани
	Жами даромадлар	**90 555 732**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**23 066 700**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	76 889 000
	ажратма меёри	**30**
1.	маҳаллий бюджетга	23 066 700
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	96 109 000
	ажратма меёри	
2.	маҳаллий бюджетга	0
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**41 867 000**
	Туманга бириктирилган	**20 898 000**
1	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	655 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	9 337 000
3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	3 191 000
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	7 715 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**20 969 000**
1	Айланмадан олинадиган солиқ	10 134 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
2	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	14 146 000

	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 333 000
	ажратма меёри	**100**
	маҳаллий бюджетга	5 333 000
4	Юридик шахслар ер солиғи	14 521 000
	ажратма меёри	**100**
	маҳаллий бюджетга	14 521 000
5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 115 000
	ажратма меёри	**100**
	маҳаллий бюджетга	1 115 000
6	Ижара тўловлари	878 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
7	Йиғимлар	4 234 000
	ажратма меёри	**0**
	маҳаллий бюджетга	0
	Вилоят бюджетига	**0**
1	Давлат божлари	6 090 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
2	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
3	Жарималар	7 961 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
4	Хусусийлаштириш	
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
5	Бошқа тушумлар	
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**25 622 032**

	Аҳоли сони (минг киши)	157 779
14.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	10 365 425
15.	Тамаки махсулотларига акциз солиғи	10 810 443
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	4 446 164
	Маълумот учун: 2022 йил параметр	72 008 600
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**235 017 993**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**144 462 261**

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
3-ilova

2023 йил учун Қизилтепа туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**235 017 993,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**235 017 993,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Туман маҳаллий бюджига трансфертлар	**0,0**
1	**Халқ таълими бўлими**	**10 518 425,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 518 425,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Мактабгача таълим бўлими**	**11 022 661,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 022 661,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Соғлиқни сақлаш**	**87 611 352,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	87 611 352,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бўлими**	**6 646 559,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 995 616,0
	Мусиқа ва санъат мактаблари	4 100 943,0
	Ахборот кутубхона маркази	550 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**4 813 399,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 813 399,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**669 488,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	669 488,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Ветеринария вак чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**2 666 939,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 666 939,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Бандликка кўмаклашиш маркази**	**1 006 275,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 006 275,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Молия бўлими**	**1 883 036,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 883 036,0
	шу жумладан: сақлаш харажатларига	
	Фуқароларга етказилган зарарни қоплаш	
	Малака ошириш харажатлари	
	Вилоятдан туман маҳаллий бюджетига бериладиган трансфертлар	
	Индексация маблағлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**21 495 100,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	18 495 100,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Ички хўжалик автомобил йўлларини таъмирлаш харажатларига	**3 000 000,0**
11	**Пенсия жамғармаси бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Туман ҳокимлиги**	**72 042 686,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**8 648 091,0**
	Шу жумладан: сақлаш харажатлари	
	Озодликдан жазосини ўтаб келган фуқароларга "Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"	27 600,0

	Халқ депутатлари туман кенгаши	199 075,0
	Ҳокимликнинг заҳира жамғармаси	**2 217 151,0**
	18 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга хар ойлик нафақалар ва Кам даромадли оилаларга хар ойлик моддий ёрдамлар	**48 599 181,0**
	Кам даромадли оилаларга хар ойлик моддий ёрдамлар	
	Ун ва нон сотиб олиш учун компенсация тўловлари	
	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	11 085 754,0
	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 216 741,0
	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	49 093,0
	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларининг сақлаш харажатлари**	**793 155,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	793 155,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими**	**4 642 988,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	694 552,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари	3 948 436,0
15	**Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлими**	**5 284 018,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**5 284 018,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Хотин-қизлар бўлими**	**3 921 912,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 921 912,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
4-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар нормативлари

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Туман номи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
1	Қизилтепа тумани	100	100	30	100	100

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
5-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатларининг прогнози

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
Қизилтепа тумани	90 555 732,0	235 017 993,0

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
6-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Туман номи	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Қизилтепа тумани	144 462 261,0

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
7-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилда шахсий ғазна ҳисобварағида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағ миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Қизилтепа тумани	**819 025,0**

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
8-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

сўмда

Т/Р	Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи	Туманда 1 кв.метр ер учун базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (0,7-3,0)	2023 йил учун ер солиғи ставкаси
	1	2	3	4
1	Ғамхўр МФЙ	386,1	0,7	270,3
2	Нурафшон МФЙ	386,1	0,7	270,3
3	Ўртақўрғон МФЙ	386,1	0,7	270,3
4	Ҳумо МФЙ	386,1	0,7	270,3
5	Маликобод МФЙ	386,1	0,7	270,3
6	Узулишкент МФЙ	386,1	0,7	270,3
7	Сарой МФЙ	386,1	0,7	270,3
8	Қалаий Азизон МФЙ	386,1	0,7	270,3
9	Хўжақўрғон МФЙ	386,1	0,7	270,3
10	Оқработ МФЙ	386,1	0,7	270,3
11	Бободўғи МФЙ	386,1	0,7	270,3
12	Зиёкор МФЙ	386,1	0,7	270,3
13	Ободдиёр МФЙ	386,1	0,7	270,3
14	Кулолон МФЙ	386,1	0,7	270,3
15	Хушарти МФЙ	386,1	0,7	270,3
16	Сўфиён МФЙ	386,1	0,7	270,3
17	Буюк ипак йўли МФЙ	386,1	0,7	270,3
18	Бўлакработ МФЙ	386,1	0,7	270,3
19	Хомработ МФЙ	386,1	0,7	270,3
20	Тавоис МФЙ	386,1	0,7	270,3

21	Ғойибон МФЙ	386,1	0,7	270,3
22	Навқирон МФЙ	386,1	0,7	270,3
23	Гумбаз МФЙ	386,1	0,7	270,3
24	Милтиқчи МФЙ	386,1	0,7	270,3
25	Оқсоч МФЙ	386,1	0,7	270,3
26	Айрончи МФЙ	386,1	0,7	270,3
27	Ванғози МФЙ	386,1	0,7	270,3
28	Тошмачит МФЙ	386,1	0,7	270,3
29	Башир МФЙ	386,1	0,7	270,3
30	Маданият МФЙ	386,1	0,7	270,3
31	Тожикон МФЙ	386,1	0,7	270,3
32	Пахтаобод МФЙ	386,1	0,7	270,3
33	Оқмачит МФЙ	386,1	0,7	270,3
34	Хафқориён МФЙ	386,1	0,7	270,3
35	Зарметан МФЙ	386,1	0,7	270,3
36	Работ МФЙ	386,1	0,7	270,3
37	Азизобод МФЙ	386,1	0,7	270,3
38	Арабхона МФЙ	386,1	0,7	270,3
39	Варозун МФЙ	386,1	0,7	270,3
40	Шейхон МФЙ	386,1	0,7	270,3
41	Мустақиллик МФЙ	386,1	0,7	270,3
42	Хусбуддин МФЙ	386,1	0,7	270,3
43	Демас МФЙ	386,1	0,7	270,3
44	Консурун МФЙ	386,1	0,7	270,3
45	Гулбоғ МФЙ	386,1	0,7	270,3
46	Янги Ҳаёт МФЙ	386,1	0,7	270,3
47	Бунёдкор МФЙ	386,1	0,7	270,3
48	Фурқат МФЙ	386,1	0,8	308,9
49	Бунёдкор МФЙ	386,1	0,8	308,9
50	Бўстон МФЙ	386,1	0,8	308,9
51	Ўзбекистон МФЙ	386,1	0,8	308,9
52	Алишер Навоий МФЙ	386,1	0,8	308,9
53	Гулзор МФЙ	386,1	0,8	308,9

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-40-163-5-72-K/22-son qaroriga
9-ilova

Юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар 1 га учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

сўмда

Т/Р	Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи	Туманга 1 га ер учун белгиланган базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (0,7-3,0)	2023 йил учун ер солиғи ставкаси
	1	2	3	4
1	Ғамхўр МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
2	Нурафшон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
3	Ўртақўрғон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
4	Ҳумо МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
5	Маликобод МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
6	Узулишкент МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
7	Сарой МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
8	Қалаий-Азизон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
9	Хўжақўрғон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
10	Оқработ МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
11	Бободўғи МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
12	Зиёкор МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
13	Ободдиёр МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
14	Кулолон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
15	Хушарти МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
16	Сўфиён МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
17	Буюк ипак йўли МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
18	Бўлакработ МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
19	Хомработ МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
20	Тавоис МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
21	Ғойибон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
22	Навқирон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
23	Гумбаз МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
24	Яшнобод МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000

25	Оқсоч МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
26	Айрончи МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
27	Ванғози МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
28	Тошмачит МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
29	Башир МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
30	Маданият МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
31	Тожикон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
32	Пахтаобод МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
33	Оқмачит МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
34	Хафқориён МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
35	Зарметан МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
36	Работ МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
37	Азизобод МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
38	Арабхона МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
39	Варозун МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
40	Шейхон МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
41	Мустақиллик МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
42	Хусбуддин МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
43	Демас МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
44	Консурун МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
45	Ифтихор МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
46	Гулбоғ МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
47	Янги Ҳаёт МФЙ	43 200 000	0,7	30 240 000
48	Фурқат МФЙ	43 200 000	0,9	38 880 000
49	Бунёдкор МФЙ	43 200 000	0,9	38 880 000
50	Бўстон МФЙ	43 200 000	0,9	38 880 000
51	Ўзбекистон МФЙ	43 200 000	0,9	38 880 000
52	Алишер Навоий МФЙ	43 200 000	0,9	38 880 000
53	Гулзор МФЙ	43 200 000	0,9	38 880 000